

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар



Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу – тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охиригича ярим йилда Президентнинг элликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди.

Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди.

Юртимизда тадбиркорлик йўналишини қўллаб-қувватланаётганлиги, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга доир қонунчилик базаси такомиллаштириб борилаётганлигини кўриб-билиб, туманимиз фуқароларининг тадбиркорликка иштиёқи тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, 2023 йилнинг 1 январ ҳолатига туманда 1959 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди, уларнинг 539 таси савдо, 306 таси саноат, 267 таси қурилиш ва 431 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари, 59 та ташиш ва саклаш корхоналари ва 357 таси бошқа турдаги ташкил этилди.